*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **27 март**
ЧОРШАНБА
**№ 25** (12557)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ташаббус – 2013



# ЭНГ ЯХШИЛАР САРАЛАНДИ

**Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоғидаги Вилоят маданият ва маърифат марказида республика Президенти соврини учун "Ташаббус – 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбирда танловнинг 20 февралдан 15 мартгача давом этган вилоят шаҳар ва туманлари босқичида ғолибликни қўлга киритганлар иштирок этишди. Кўрик-танлов асосан уч йўналишда ўтказилди. Жумладан, "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" ва "Йилнинг энг яхши фермери" номлари учун қизғин баҳс борди. Шунингдек, анъанавий низом бўйича ўз фаолиятида энг юқори натижаларга эришган, вилоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшган иштирокчилар "Энг яхши аёл тадбиркор", "Ёшлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор", "Энг яхши солиқ тўловчи" каби номинациялар бўйича совринларга эга бўлиш учун ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ғазалкентдаги "SARSKAYA SLADOST" масъулияти чекланган жамияти директори Раҳимхўжа Юнусхўжаев "Йилнинг энг яхши тадбиркори" унвонини қўлга киритди. Зеро, корхонада ишлаб чиқарилаётган турли-туман печеньелар аллақачон харидорлар эътиборини қозонган.

Қибрайлик ҳунарманд Шавкат Юсупов ёғоч ўймакорлиги бўйича энг моҳир усталардан бири. У бу сафар кўрик-танловда муваффақиятли иштирок этиб, республика Президентининг "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" совринини қўлга киритди.

Зангиоталик фермер Тўлқин Тўхтаниёзов бошқараётган хўжалик аслида чорвачиликка ихтисослашган. Кейинги пайтларда эса у йирик замонавий цех барпо этиб, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Шу боис кўрик-танловда у "Йилнинг энг яхши фермери" унвонига сазовор бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**






**Даврон АҲМАД, Еркебой БОТИРОВ, Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барака деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.**

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод турмуш йили" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Халқимизга хос яшаш тарзи – маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни бекиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага – 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун – 2013 йил 27 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида "Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган долзарб вазифалар: журналист масъулияти ва шаъни" мавзуида вилоят журналистлари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тадбирда вилоят шаҳар ва туман газеталари бош муҳаррирлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Бугунги кунда вилоятда 65 та оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган. Йиғилишда таҳририятлар эришаётган ютуқларни қайд этиш билан бирга, уларнинг айримларида йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Асосий эътибор эса оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифаларни муҳокама қилишга, шаҳар ва туман газеталарининг мазмун-мундарижасини янада кенгайтириш ва бойитишга, дизайнини такомиллаштиришга, журналист кадрлар малакасини мунтазам ошириб боришга, шунингдек, соҳага кўпроқ ёшларни жалб этиш масалаларига қаратилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Огоҳлик

# АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

**Ҳозирги пайтда дунё таҳликали ва мураккаб жараённи бошидан кечиряпти. Икки мафкуравий тизим – социализм ва капитализм ўртасидаги қарама-қаршилик тугагани билан ғоявий ва мафкуравий кураш, бир лаҳза бўлсин, тўхтагани йўқ. Аксинча, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов тўғри таъкидлаганларидек, аллақачон *"мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ"* кучга айланиб улгурган. Чунки бундан буёғи бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат тарафидан босиб олиниши шарт эмас. Аллақачон дунёда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бош масалага айланиб бўлган. Бу кураш ахборот хуружларисиз амалга ошмайди.**

Хўш, ахборот хуружлари нима?

Инсон онги ва қалбини эгаллаш учун, аввало, ахборот тарқатиш лозим. Агар эзгу мақсадларга қаратилган ахборот бўлса – хўп-хўп. Аммо тарқатилаётган ҳар қандай ахборот ортида қандайдир гуруҳлар ёки кучлар бор. Ҳар қандай гуруҳ ёки кучнинг эса ўз манфаати мавжуд.

Муайян бир гуруҳнинг орзу-мақсадлари, қизиқишлари, манфаатларини ифодалаб, уларни ҳимоя қилишга қаратилган ғоялар тизими *мафкура* дейилади. Демак, тарқатилаётган ҳар қандай ахборот замирида қандайдир мафкура ётибди.

Мафкуралар эса иккига бўлинади:

а) бунёдкор (яратувчи, прогрессив, қонуний) ғоялар асосидаги мафкуралар;

б) вайронкор (бузғунчи, регрессив, ноқонуний) ғоялар асосидаги мафкуралар.

Модомики, шундай экан, ҳаётдаги бирон воқеа ёки ҳодиса ҳақида ахборот тарқатилаётганда, истаймизми-йўқми, мафкуралар ўзаро тўқнашади. Мафкуралар тўқнашуви амалда мақсад ва манфаатлар қарама-қаршилигидан келиб чиқади. Бир мамлакат халқи учун зарарли, аммо бошқа гуруҳ ёхуд кучлар учун фойдали бўлган маълумотлар тарқатилишини *"ахборот хуружи"* деймиз.

Биз ахборот асрида яшаяпмиз. Ахборот воситаларининг турлари ҳам кўпайгандан кўпайиб бораётир. Масалан, оммавий ахборот воситаларига газета ва журналлар, радио ва телевидение кирса, ҳозир унинг ёнига интернет қўшилди ва у ахборот дунёсида ҳукмрон кучга айланиб бормоқда. Китоблар, адабиёт ва санъат асарлари, варақалар, рекламалар, товарлар ёрлиқлари, ўйинчоқлар, хусусан, қўғирчоқлар ва бошқалар орқали ҳам кучли ахборот хуружига дучор бўляпмиз. Ёт ғояларнинг кириб келиши ва одамлар, хусусан, ёшлар онги ва қалбига кириб бориши учун оғзаки тарғиботнинг турли-туман усул ва воситаларидан ҳам фойдаланилаверади.

Ғарбда демократия равнақида шахс эркинлигига шу қадар катта урғу берилдики, охир-оқибат инсоният неча асрлар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келган кўп-кўп қадрият ва тушунчалар батамом издан чиқиб кетди.

Айтайлик, XVIII-XIX асрларда Ғарбда ҳам аёллар ёпиниб юрар эди. Лекин секин-аста одамлар, хусусан, зиёлилар ўртасида: *"Нима табиий бўлса, чиройли кўринади"* деган ғоя тарқатила бошлади. Бу фикр аста-секин одамга нисбатан қўлланиб, *инсон кейинчалик сунъий ўйлаб чиқарилган кийим-кечак билан эмас, онадан қандай туғилган бўлса, шундайича – гўзал,* деган маънога бурилди. Бирин-кетин Ғарб рассомлари яланғоч одамлар (хусусан, аёллар) расмларини чиза бошлади, ҳайкалтарошлар қип-яланғоч одамлар тимсолларини яратишга берилиб кетди.

Оқибатдан келайлик: охири нима бўлди?

Мафкурада: *"Ҳар қандай фикр реаллашади",* деган қатъий қараш мавжуд. Шундан келиб чиқилса, санъатдаги *"яланғочлик ақидаси"* Европада бевосита ҳаётнинг ўзига юкди – одамлар ярим-яланғоч ҳолда кийинадиган бўлди. Яқинда Парижда шу ғояга муккасидан кетган бир гуруҳ тўдаси қип-яланғоч ҳолда кўчага чиқди. Полиция кўчани улардан зўрға "тозалади".

*"Нима табиий бўлса, чиройли кўринади",* тарзида тарқатилган ахборот хуружи ўз муддаосига етдими?

Етганда қандоқ!

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айрим хорижий ташкилотлар ўз Низомида эзгу ғояларни акс эттириб, мамлакатимизда ишини йўлга қўйиб олди-ю, кейин секин-аста асл, яъни яширин мақсадидаги ахборот хуружини бошлади. Шундай ташкилотлардан бири бир неча йил олдин 16 ёшга тўлган қизларимиз ўртасида ижтимоий сўров ўтказиб, тарқатган анкетасига, жумладан: *"Сиз 16 ёшга тўлиб, паспорт олгансиз. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бўйича, 17 ёшдан турмушга чиқиш ҳуқуқига эгасиз. Хўш, кечаси соат 22 дан кейин уйингизга келсангиз, ота-онангиз сизни тергаб, қаерда юрганингизни сўрайдими?"* тарзида савол берган. Аксарият қизларимиз бу саволга: *"Ҳа!"* деб жавоб қайтарган, албатта.

Кимдир: *"Нима бўлибди, сўраса, сўрабди-да, шунга ҳам ота гўри – қозихонами?"* дейиши мумкин.

Аммо...

Йўқ. Бу ерда ахборот хуруж қилиб улгурди. Чунки ижтимоий сўровда қатнашган қизимизнинг хаёлида шу пайтгача, *ҳали турмушга чиқмаган қизни ота-она тергаши табиий-ку,* деган қатъий ақида ҳукмрон эди. Энди унга бир йилдан кейин турмуш қуриш ҳуқуқи эслатилди. Унинг онг-тафаккурида ва қалбида, *ҳозирдан тайёргарлик кўришим, ўзимга ўзим жуфт топишим керак экан-да,* деган миллий маънавиятимиз унчалар хуш кўрмайдиган ғайри фикр қўзғатилди. Ҳолбуки, бизда турмуш қуриш, жуфт танлашнинг тамоман бошқача – шарқона, аксар жиҳатдан Ғарбдаги тартиб-қоида ва анъаналарга мутлақо мос келмайдиган ўта нозик жиҳатлари бор. Бундан ташқари, 17 ёшда баъзи қизларимиз ҳали академик лицей ёхуд касб-ҳунар коллежида таҳсил оляпти. Тиббиёт илми эса қизларнинг 20 ёшдан кейин фарзанд кўриши ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ, шу ёшда бутунлай балоғатга етади, ота-боболаримиз ибораси билан айтганда, суяги қотади, мустақил турмуш кечиришга ҳам жисмонан, ҳам ақлан, яъни маънан етилади.

*(Давоми 2-бетда).*

2013 йил – Обод турмуш йили

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтгача юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури – давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**ЎзА.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Огоҳлик

# АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Хўш, бу ахборот хуружининг тагида нима мақсад ётибди?

Масалани очиқ-ошкор баён этадиган бўлсак, дунёнинг ҳаром-хариш ишлардан мўмай даромад олиш одат тусига кирган турли бурчакларида антиқа бозорлар бор. Бу бозорларда "сақич"лар сотилади. Лекин у ерда сотилаётган "сақич"ларнинг кўпи чайналган: бирови 12 ёшидан, бирови 13... дегандек. Бу бозорлар корчалонларига чайналмаган "сақич"лар керак. Бундай "сақич"лар бизда бор. Бизда – арзон, у ерларда – қиммат.

Нима қилиш керак?

Шу арзон "сақич"ларни, бир иложини топиб, олиб чиқиш керак.

Қандай қилиб?

Бу ердаги "чимилдиқ" имтиҳони тушунчасини, демак, асрий миллий маънавиятни синдирсанг, бу "сақич"ларнинг ўзи паспорт олиши билан, юртига *"чао"* деб, учиб кела бошлайди.

Бунинг учун эса бу халқдаги "чимилдиқ" имтиҳони деган "қолоқ" бир "хитой девори"ни олиб ташлаш керак.

Мисолимиздаги ахборот хуружи ортида ҳеч қандай демократия, ҳеч қандай шахс эркинлиги тарғиби йўқ, аксинча, одамнинг жисмини сотиб, мўмай пулга айлантириш каби жирканч мақсадлар ётибди.

Ахборот хуружининг тури ниҳоят даражада кўп. Масалан, ҳозир хушбўй ҳид тарқатадиган, автомобилларга осиб қўйиладиган қоғозни Америка Қўшма Штатлари байроғидан арча шаклида кесиб олингандай қилиб чиқариб, пуллашяпти. Сиёсий-мафкуравий жиҳатдан бефаросат фуқароларимиз уни ўйламай-нетмай сотиб олиб, машинасига боши узра илиб ҳам қўйяпти. Ёки машина калитига осадиган АҚШ доллари ҳам бор. Баъзи фуқароларимиз машинасининг орқа ўриндиғига АҚШ байроғи акс эттирилган жилд ёпиб олган.

Ҳолбуки...

Бир давлат ҳудудида иккинчи бир давлат байроғи бўлиши мумкин эмас (фақат протоколда кўзда тутилган ўша давлатнинг элчихонаси, ваколатхонаси, қўшма корхона, халқаро ташкилот... бундан мустасно). Бир давлат ҳудудида иккинчи давлат пул бирлигига "сиғиниш" ҳам тўғри эмас. Умуман, бундай кўринишдаги ахборот хуружининг мақсади зимдан фуқаролар онги ва қалбида ўз Ватанига меҳр-муҳаббатни сусайтириб, бунинг ўрнига ўзга мамлакатга топиниш ҳиссини уйғотишга қаратилган.



Биз дунёга юз очдик. Жаҳоннинг турли бурчакларида айнан Ўзбекистонимиздан ўз мақсад-муддаоларини кўзлаётган кучлар бор. Марҳамат, икки томонлама фойдали ҳамкорликка биз ҳамма вақт тайёрмиз. Чунки ҳеч бир мамлакат фақат ўз куч-қудрати, ақл-заковатигагина таяниб ривожланган эмас. Бироқ дунёда шундай кучлар ҳам борки, бизнинг юртимиздан кўзлаётган асл мақсадини ҳамма вақт ҳам ошкор этавермайди. Шундай пинҳона мақсадини амалга ошириш, ифодали қилиб айтганда, ўзига керакли балиғини тутиши учун бундай кучлар аввал бу ерда сувни лойқалатиб қўйиши керак. Ахборот хуружининг асл моҳиятида шу нарса ётади.

Айтайлик, ҳозир ҳам айрим хорижий давлатлар радиолари ўзбек тилида махсус эшиттиришлар олиб боради. Низомида жуда чиройли демократик талабларни қайд этиб қўйган, албатта. Бу эшиттиришлардан кўзланган камида иккита мақсад бор:

биринчиси – ўз мамлакатини ўзбекистонликларга тарғиб ва ташвиқ этиш, шу орқали келажакда ўзаро ҳамкорликнинг кучайишига замин тайёрлаш. Бу ҳамкорлик хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ хизматлар (масалан, сайёҳлик), хоҳ илмий, хоҳ маданий бўлсин, амалда ҳеч ким бунга қарши эмас.

Иккинчиси – мамлакатимиз аҳлининг онги ва қалбини эгаллаш, одамлар фикрини ўз манфаатлари, кўпинча, ҳатто ғаразли мақсадлари йўлида "созлаш"дан иборат.

Муаммо – ҳамма жойда бор. Ҳаёт шу муаммоларни бартараф этиб яшашдан, тинимсиз меҳнат-машаққат ва курашдан иборат. Лекин ҳеч қачон бир мамлакат муаммосини иккинчи мамлакат бекордан-бекорга келиб, ечиб бермайди: *"сендан – угина, мендан – бугина"* деган азалий қоида давлатлар ўртасида ҳам қатъий амал қилади. Шуни билгани ҳолда, айрим хорижий радиолар мамлакатимиздаги баъзи (шундоқ ҳам ечими изланаётган ва топилаётган) масалаларни жўрттага бўрттиради. Мақсад – фуқаролар онги ва қалбида ўз давлати сиёсатига ишончсизлик уруғини сепиш.

Ҳозирги замонда муайян давлат билан унинг халқи ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва буни муттасил кучайтириб бориш – ўта муҳим масала. Ахборот хуружлари, кенгроқ маънода айтганда, кўпинча айнан шу жараёнга салбий таъсир кўрсатишга қаратилган бўлади.

Ахборот хуружларига қарши курашиш, унинг таъсирига тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак?

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов яратган миллий таълимотда бу саволга аниқ-тиниқ жавоб топамиз: *фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат билан курашмоқ лозим.* Шу тариқа кишилар онгида *мафкуравий иммунитетни шаллантириш ва тинимсиз кучайтириб бориш*га тўғри келади.

Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил этиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, ҳар бир ахборотнинг айнан кимга мўлжаллангани ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, манфаатларимиз, турмуш тарзимиз, миллий қадриятларимизга зид ғояларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз онги ва қалбида миллий мафкурамиз, юксак маънавиятимиз, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаб боришдан ҳеч ҳам тўхтамаслигимиз керак.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**"Нақшбандия" журнали бош муҳаррири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Наврўз шодиёнаси арафасида иш бошлаган "Мажнунтол" мажмуаси оҳангаронликларга байрам совғаси бўлди. Замонавий шакл ва бичимда барпо этилган мажмуа уч қаватдан иборат.**

– Мажмуа аҳолига хизмат кўрсатишдан ташқари, уларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришларини таъминлайди, – дейди тадбиркор Шавкат Комилов. – Шунинг учун турли ёшдагиларга мўлжалланган хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил этилган.






Мажмуада "Болалар шаҳарчаси", 5D-кинозали, замонавий ўйин аппаратлари майдончаси, ресторан, маданий тадбир ва шодиёналар саройи, ошхона, спорт зали ва дўкон бор. Эътиборлиси, мажмуа очилиши билан 180 киши ишли бўлди. Уларнинг 80 фоизи ёшлар.

Қурилиш-монтаж ишларини "Aziz Proekt" ва "Lyuks Loyiha", "Xasan Proect", "Alps Prof Master" каби ташкилотлар бажарди.

– Маҳалламизда шундай замонавий мажмуанинг қурилиши қувонарли, – дейди маҳалла раиси Холхўжа Раҳмонов. – Бундан маҳалла аҳли, айниқса ёшлар жуда мамнун.

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **"Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

– аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

– аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

– аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;

– ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

– ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

– аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

– жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, адоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзи янада мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

– аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 миллион сўмгача.** ННТларнинг ўз маблағлари жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

**Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.**
**Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **"Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш".**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

– "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

– давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

– аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролини ошириш;

– аҳолининг, энг аввало ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;

– нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

– миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

– босма ОАВлар материалларини мамлакатимиз аҳолисининг анъаналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш тажрибаси ҳамда жаҳон тамаддунининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий, ғоявий ва бадиий савиясини юксалтириш;

– ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;

– интернет-журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиа-оламида муносиб ўрингa эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 миллион сўмгача.** ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағлари жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

**Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.**
**Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.**

# САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ



**Зангиота туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақаси ўтказилди.**

Тумандаги 9 та касб-ҳунар коллежи жамоалари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир фармон, қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, табиий офатлар, техноген ҳалокатлар натижасида жароҳатланганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, доривор ўсимликлардан тўғри фойдаланиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, шахсий ва жамоат гигиенаси бўйича билимларини синовдан ўтказди. Транспорт ва йўл ҳаракати ҳодисасидан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги шарт айниқса қизиқарли кечди. Қизил Ярим ой жамияти ташкилоти тарихи ва фаолияти ҳақидаги савол-жавоблар ҳам барчанинг эътиборини тортди.

"Саломатликнинг ёш дўстлари" гуруҳлари ўзлари тайёрлаган кўргазмали воситалар, фотоальбомлар, ҳужжатлар тўпламларини намойиш қилдилар.

Мусобақа якунларига кўра, маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар туман ҳокимлиги, Қизил Ярим ой жамияти туман бўлимининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**





# ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШЯПТИ

Янгийўл туманида республика Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида мактабларaро тажриба алмашиш, тақдимот бўлиб ўтди.

Чет тилини ўрганишнинг замонавий услублари, тўгаракларда олиб борилаётган қизиқарли машғулотлар, инглиз тилидаги маънавий-маърифий тадбирлар, "Алифбе байрами", "Навоийхонлик" намойиш этилди. 61-, 62-, 66-, 68-, 69-мактаб ўқувчиларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларига маъқул бўлди.

# ОРАСТА ҚИЗЛАР

**Чирчиқ ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Обод юртнинг бахтиёр қизлари" кўрик-танлови бўлиб ўтди.**



Академик лицей ва коллежларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари 8 нафар энг ораста қизларнинг бешта шарт бўйича чиқишларини кузатиб боришди.

Хушзабон, ҳозиржавоб, ораста, пазанда, оқила қизлардан уч нафари – тиббиёт коллежи ўқувчиси Наргиза Топилова, академик лицейдан Сунбула Файзуллаева, ижтимоий иқтисодиёт коллежидан Гулвисар Садриева совринли ўринларни эгаллашди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


# «ЎЗКИМЁСАНОАТ»

## ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**Тошкент «Қишлоқхўжаликкимё» ХОАЖ қошидаги**

# «ТУЯБЎҒИЗКИМЁ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

*Ҳурматли пахта ва буғдой етиштираётган фермер хўжаликлари раҳбарлари, аҳолига мўл-кўл ноз-неъматлар етказиб бераётган томорқа эгалари, вилоятимиз деҳқонлари!*

**Биз ушбу эзгу ишларингизда СИЗГА КАМАРБАСТАМИЗ.**

Шўъба корхонамиз сизга минерал ўғитларни жойлардаги дўконлар ёки махсус автотранспортларда етказиб беради.

Ҳисоб-китоблар накд пул тўлаш ёки пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

**Манзилимиз: Ўрта Чирчиқ тумани, "Туябўғиз" қўрғони, Ш. Бурхонов кўчаси.**

**Телефон: (8370) 76-43-670.**







**Гувоҳнома № 0000542.**



**"TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига такроран қуйидаги: Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБнинг 2013 йил 20 мартдаги 620-сонли буюртманомасига асосан Ангрен шаҳри, Оҳангарон кўчаси, 1-уйда сақланаётган, бош. нархи – 20 000 000 сўм, 2006 йилда и.ч., д/р 10 D 183 CA бўлган "JAK HFS" 5030-XXYKW русумли ва Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБнинг 2013 йил 20 мартдаги 18350-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар "Поёндоз" КК божхона омборида сақланаётган, арзонлаштирилган, бош. нархи – 10 707 300 сўм, 1987 йилда и.ч., д/р 8478 AT бўлган MERCEDES BENZ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 11 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)лар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул килиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 29 апрелда ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.

**"Turkiston Ihtisoslashgan Auktsion Savdo" МЧЖ корхонасида 2013 йил февраль ойида ташкил қилинган аукцион савдолари натижалари:**

| № | Мулкнинг номи | Сақланган жойи | Бошланғич баҳоси, сўм | Сотилиш баҳоси, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тико д/р 30N6167 | Ангрен ШИИБ Бўстон майдони | 5 411 310 | 9 000 000 |
| 2 | СПАРК д/р 10R705 EA | Ангрен шаҳар 29-автобаза майдони | 2 21 874 000 | 28 000 000 |

**Гувоҳнома № 005424.**


ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА


***2013 ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!***

***2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

*• Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;*
*• Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;*
*• Замонавий дизайндаги уйлар;*
*• Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;*
*• Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга;*



*• Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.*

***Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

*• Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;*
*• Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;*
*• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.*



***Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

*• Омонатингизни кўпайтириш имконияти;*
*• Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;*
*• Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;*
*• Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;*
*• Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.*



***Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

*• Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;*
*• Бир йиллик сифат кафолати;*
*• Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.*



***Марҳамат, мурожаат қилинг:***

*• Туман ёки вилоят ҳокимликларига;*
*• Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;*
*• "Камолот" ЁИҲ бўлинмаларига;*
*• Хотин-қизлар қўмиталарига;*
*• "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;*
*• "Қишлоқ қурилиш инвест" филиалларига.*

*100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36*
*Тел.: (+998 71) 150-93-39*
*Факс: (+998 71) 150-39-93*
*www.qqb.uz*
*e-mail: headoffice@qqb.uz*



**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан такроран 18.06.2012 й. № 7320/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч. "Спарк", д/р. 01 W 724 KA. Бошланғич баҳоси – 24 057 000 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 11 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. "Сув хўжалик системаларининг илмий-текширув маркази" шўъба корхонаси томонидан 2009 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 01 755 QAA. Бошланғич баҳоси – 20 441 700 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 29 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 29 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 6 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**


"JAVJASGUL" МЧЖ устав фондини 30 764 150 сўмдан 3 200 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 10.01.2012 йилда гувоҳнома № 005593 рақами билан рўйхатга олинган "PEGAS CAR" МЧЖга (ИНН 207137789) тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ASIA CABLE PRODUCTION" (ИНН 302263233, ОКПО 23960108), зарегистрированное инспекцией гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района за № 006578-11 от 06.04.2012 г. в соответствии с решением единоличного участника № 2 от 25.03.2013г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Яккасарайский район, ул. Усмана Насыра, 32-А. Тел.: 150-11-77.

Тошкент шахри, Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 3 июнда 004776-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "YANGI NIHOL SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 30108442, ОКОНХ 71280) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 247-39-32 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти педагогока коллежи (аввалги Тошкент вилояти педагогика билим юрти) томонидан 2001 йилда Буртешова Айжан Сайдиллаевна номига берилган № 485509 (рўйхат рақами 15099) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"LOLA ISKANDAR" МЧЖ устав фонди 50 300 000 сўмдан 3 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

ООО "SINGULAR SOFT DEVELOPMENT" (ИНН 301680713, ОКОНХ 14333), зарегистрированное ИРСП Шайхантахурского района г. Ташкента за № 005980-09, от 15.05.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются по тел.: (+99871) 241-12-22.

ООО "HILAL PLAST" (ИНН 301338051), зарегистрированное в Чиланзарском районе сообщает об уменьшении уставного фонда с 209 500 000 сум до 21 461 451 сум.

Претензии принимаются по тел.: (+99893) 515-73-07.

Утерянный аттестат о среднем образовании № 1026325, выданный в 2004 году школой № 2 г. Чиназ Ташкентской области на имя Лим Сергея Евгеньевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Велоспорт

# МУРОДЖОН – ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ПОЙГАЧИСИ



**Мурождон Холмуродов асли Хоразмнинг Гурлан туманидан. Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларидаёқ велопойгага қизиқиб, устозлари Омонбой Жуманов, Маҳмуд Қўшжонов, Улуғбек Ҳайдаровдан сабоқ олди. 1996-2001 йилларда Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўқиб малака оширди.**

15 ёшида 30 километрли пойгада қатнашиб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Сўнг Тошкент шаҳар олимпия захиралари коллежидаги устозлари, Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси Владислав Искандаров ҳамда Альберт Искандаровнинг тарбиясини олди. 1998 йилда спорт устаси унвонига эга бўлди. Шу билан бирга уч карра Ўзбекистон чемпиони деган номни қўлга киритди.

2003 йилда Италияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этиб, 50 та давлат спортчилари ичида фахрли 4-ўринни, 2011 йилда Таиланддаги Осиё чемпионатида эса совринли 2-ўринни эгаллади.

Бу йил Деҳли шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 30 та давлатдан қатнашган 71 спортчи орасидаги шахсий пойгада Муроджон 1-ўринга эга бўлди.

**Зилола АЛИЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Кўргазма

## ҲУНАРМАНДЛАР ТУҲФАСИ

**Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида "Bazar-Art. Баҳор – 2013" анъанавий 12-кўргазма-ярмарка бошланди.**



Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 150 нафардан ортиқ уста ва ҳунарманд ўз ижод намуналари билан иштирок этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида уста ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ҳамкор ижодий ташкилотлар томонидан ўтказилаётган "Bazar-Art" анъанавий кўргазма-ярмаркаси ҳунармандларнинг фаолиятини халқимизга яқиндан таништириш, "Устоз-шогирд" мактаби анъаналарини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўтган йиллар давомида мазкур лойиҳада қатнашган энг моҳир ҳунармандлар, уларнинг шогирдларига грантлар ажратилиб, фаолияти моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

– "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркасида ҳар йили мунтазам қатнашамиз, – дейди тошкентлик чиннисоз уста Ғайрат Даминов. – Бу йилги кўргазма-ярмаркага ўзига хос баҳорий совға тайёрладик. "Анор", "Гулдаста", "Шарқ марвариди", "Дурдона", "Самарқанд", "Нафосат" сингари байрам дастурхони учун мўлжалланган чинни идишлар тўпламлари ҳамюртларимиз ва чет эллик меҳмонларга жуда манзур бўлмоқда.

Тўрт кун давом этадиган кўргазма-ярмарка давомида маҳорат сабоқлари, тақдимот маросимлари ҳам бўлиб ўтади.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Дарвоқе...

## ОШГА ЭМАС... ИШГА МАРҲАМАТ!

**Бир ярим миллиард одамни кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳозир сизу биз яшаётган ер курраси аҳолисининг салкам бешдан бири, дегани. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳозир дунёда шунча одамни бир хил муаммо ўйлантирмоқда. Бу – ортиқча вазнлилик ташвиши.**

Семизлик, юмшоқ қилиб айтганда – бемаза касаллик. У одам саломатлиги учун хавф туғдирувчи бир қанча касалликларга "доялик" қилиши билан ҳам жиддий ижтимоий муаммодир. Ортиқча вазн қандли диабетни келтириб чиқариши, томирларни зўриқтириши, ўпка ва юрак фаолиятини издан чиқариши, қон босими барқарорлигига путур етказиши кўпчиликка маълум. Эндиликда, ортиқча вазн инсоннинг инсульт ҳамда фалажга чалиниш эҳтимолини ҳам сезиларли даражада ошириши ҳақида оммавий ахборот воситаларида бонг урилмоқда.

Донишмандлардан бири "Донолик истасанг кам дегил, сиҳат истасанг кам егил", деган экан. Замонавий тиббиёт хулосаси ҳам шундай: ҳаддан зиёд ёғли ва кучли овқатлар истеъмол қилиб, етарли қувват сарфламаслик одамларни шу дардга дучор этаётган асосий иллатлардан биридир. Масалан, бугун дунё миқёсида хот-дог, гамбургер, чизбургер, қовурилган картошка, лаваш каби тез тайёрланадиган егуликлар билан қорин тўйғазиш одатга айланган. Буни, айниқса, ёшлар орасида кўп кузатиш мумкин. Вақтни пул ҳисоблайдиган янги замон одамлари учун бу фойдадек кўринади. Яъни, бундай енгил-елпи овқатланиш учун арзимаган дақиқалар кифоя қилади. Қолаверса, бу таомлар ўзига етгудек мазали ҳам. Қўшимчасига "Тақачи" патирининг зуваласидек бирон ширинлигу бир-икки пиёла қайноққина кофе бўлсами?

Ортиқча вазнлилар кўпайиб бораверар экан, жаҳон афкор оммаси бу хусусда жиддийроқ бош қотиришига тўғри келаяпти. Муаммо сабаблари жиддий ўрганилаяпти. Тадқиқотларнинг асосий қисми эса деярли бир хил хулосалар бермоқда. У ҳам бўлса, биз юқорида санаб ўтган ва шу тоифага кирувчи таомларда одамда семиришга мойилликни кучайтирувчи хусусият мавжуд. Яна техника замони эмасми, уй, ишхона ва маиший турмушнинг кўпгина соҳаларидаги қулайликлар инсонларда дангасалик ва эринчоқликни ҳам кучайтираяптики, бу ҳам муаммонинг янада кескинлашувига олиб келаётир. Семизлик билан боғлиқ энг кескин вазият бугун ривожланган мамлакатларда юзага келаётгани ҳам шундан далолат беради.



Масалан, мутахассислар бу кетишда яна ўн саккиз-йигирма йилдан кейин Америка Қўшма Штатлари аҳолисининг тахминан 40 фоиздан (!) кўпроғи ортиқча вазн муаммосидан азият чекиши муқаррар эканини яширишмаяпти. Бу мазкур мамлакатнинг яна 30-32 миллион аҳолиси семизлик дардига мубтало бўлади, деганидир. Буюк Британия, Словакия, Греция, Мексика, Австралия, Янги Зеландиядаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Ҳозир бу мамлакатларда аҳолининг 20 фоиздан зиёди "тош босадиган" одамлар сирасидан. Яна кўпгина Европа мамлакатларида бу кўрсаткич ҳозирча 12-13 фоиз. Афсуски, "семизлик географияси" тобора кенгайиб бораяпти.

Афтидан, мазкур давлатларда семизликка қарши курашиш бўйича жиддий чоралар кўрилмаса, бўлмайди. Аслида, бундай ҳаракатлар йўқ эмас. Масалан, АҚШда семизликнинг олдини олишга қаратилган махсус тартиб-қоидалар ишлаб чиқилганига анча бўлди. Унга кўра таълим муассасалари ҳудудида "fast-food" маҳсулотлари сотишга чек қўйилган, айрим штатларда гамбургер ва қовурилган картошкалар учун қўшимча солиқ тўловлари ундирилади. Худди шундай, Венгрияда таркибида ёғ, шакар ва туз миқдори кўп бўлган маҳсулотларга, Данияда эса газли ичимликларга алоҳида солиқ тарифлари амал қилади. Аргентинада бундай касалликка чалинганлар истаганча бепул тиббий ёрдам олишлари мумкин.

Мутахассислар ортиқча вазндан халос бўлишнинг самарали йўллари хусусида ҳам жиддий бош қотирмоқдалар. Кейинги пайтларда жаҳон бозорида электрон тебранма белбоғлар, массаж ускуналари, махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш ва уларни озишнинг энг қулай воситаси сифатида тарғиб қилишга зўр беришаяпти. Бундан ташқари, тананинг қорин, бел қисмидаги ортиқча ёғларни яшириб турадиган резинали либосларнинг ҳам анча бозори чаққон. Лекин масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Бу ушбу воситаларнинг соғлиққа нечоғлик фойдали ёки зарарли эканлигидир.

Биринчидан, шифокорлар бундай воситалар инсоннинг қон айланиш тизимига салбий таъсир кўрсатишидан огоҳлантирмоқдалар. Иккинчидан, эчкига жон, қассобга мой қайғуси деган гап бор. Демак, одамларда озиш майлининг кучайиб бораётгани айрим ноинсоф фирма ва компанияларнинг тегирмонига сув қуяётгани турган гап. Ҳозир кўчакўйлардаги, тижорат нашрларидаги, глобал ижтимоий тармоқлардаги бирибиридан жозибадор рекламаларнинг тобора кўпайиб бораётгани шундан.

Хўш, унда нажот нимадан?

Бирдан бир мақбул йўл – сизу бизга яхши таниш бўлган табиий усуллардир.

Яна мутахассис эътирофи: ҳар куни 30 дақиқа атрофида жисмоний машғулот билан шуғулланиш саломатликка жуда катта наф беради. Буни ҳар ким ўз хоҳишича ўтказиши мумкин. Кимдир велосипедда сайр қилиб, кимдир пиёда юриб, кимдир эса бирор енгилроқ спорт машқларини бажариб ва ҳоказо... Бунинг самарали таъсирини тезда пайқаш мумкин. Фақат биргина шарти – ёғли, шакарли ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар ўрнига сабзавот, мева, балиқ, сут ҳамда сут маҳсулотлари истеъмолига кўпроқ аҳамият беришдир...

Демак, бу жараёнда "Ош – кўтарма бош", "Бўлсайди норин – тўярди қорин", "Манти, хоним – мани жоним", деган қўлбола ибораларни бироз унутиб туришга тўғри келадиганга ўхшайди.

Шундай хулоса билан шарҳимизга нуқта қўйдиг-у, телевизорни ёқдик. "Ошга марҳамат!" кўрсатуви бошланиб, машҳур актёримиз капкирини ўйната бошлади...

**Шукур МУРОДОВ.**




### БУНИ ДЎЛ ДЕСА БЎЛАДИ



Хитойнинг марказий ҳудудида юз берган кучли қуюн камида 12 кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.

Табиий офат оқибатида икки минга яқин уй вайрон бўлди ва яна тахминан 100 мингга яқин тураржой довул таъсирида шикастланди. Ҳалок бўлганлардан ташқари 270 киши турли даражада жароҳат олди. 74 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Юз берган қуюн ва довул, айниқса теннис тўпидек келадиган йирик дўл мамлакатга 57,5 миллион долларлик иқтисодий зарар етказди. ИТАР-ТАСС маълумотига қараганда, ҳозир камида 150 минг киши тезкор ёрдамга муҳтож. "Новости" агентлигининг таъкидлашича, мамлакат пойтахти Пекинда ҳам қалин қор ёққан.

### ЭСДАЛИК УЧУН... ПИЧОҚ СИНИҒИ

Huffington Post нашрининг ёзишича, Канада фуқароси Билли Макнили елкасида қолиб кетган пичоқ синиғи билан уч йил давомида шифохоналарга қатнаб юрди. Аммо, бирор врач Макнилини безовта қилаётган пичоқ синиғи эканини аниқлай олмади.

Бундан уч йил илгари Макнилига ҳужум қилганлар елкасининг беш жойига пичоқ санчиб олган эдилар. Шундан сўнг уни шифохонага келтиришди. "Врачлар мени рентгенга солишмади, – дейди 32 ёшли канадалик фуқаро. – Ҳар сафар пичоқ кесган жойни тикиб, боғлаб қўйишарди". Орадан маълум вақт ўтгач, Макнилининг елкасида шиш пайдо бўлди. Унинг оғриғи тинчлик бермай қўйди. Дўхтирга қатнашлари ҳам наф бермади. Улар асаб толаларинг шикастланган, оғриқнинг сабаблари шунда дейишдан нарига ўтишмади.

Яқинда ниҳоят Макнилини операция қилишди ва елкасидан 7,5 сантиметр узунликдаги пичоқ синиғини олишди. Беморнинг илтимосига кўра, уни эсдалик учун қолдиришди.

### ҚОЧОҚЛАР КЕМАСИ ЧЎКИБ КЕТДИ



Яширин қочоқлар билан тўлган кема Австралия қирғоқлари яқинида сувга чўкиб кетгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Хабарда келтирилишича, кема бортида 95 дан зиёд одам бўлган. Улардан икки киши ҳаётдан кўз юмди. Яна икки кишининг аҳволи оғир эканлиги таъкидланмоқда.

Австралия қирғоқ хизмати ходимлари ушбу кемани Ҳинд океанидаги Рождество ороли яқинида кўриб қолишди. Сувга тўнтарилган кемадагилар зудлик билан оролга чиқариб олинди. Бироқ, уларнинг миллати ва қайси мамлакатдан эканликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот тарқатилмади.

Орол маъмурияти вакилининг ABC News агентлигига берган маълумотига кўра, қочоқлар кемаси оролга яқин келиб қолганлиги уларнинг жонига оро кирган. Аслида Индонезия ҳамда Шри-Ланка мамлакатларини тарк этиб, Австралия қирғоқлари томон интилувчи осиёлик қочоқлар кемалари бу ерда тез-тез ҳалокатга учраб туради. Жумладан, 2012 йилда Австралия қирғоқларида 62 та шундай қайиқ қўлга олинди. Уларнинг бортида 4,5 мингдан зиёд қочоқлар бор эди.

### ҲАВО КУЧЛАРИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНЯПТИ



Чилининг мудофаа вазирлиги Уругвай ҳарбий ҳаво кучларига 12 та қирувчи самолёт сотиб олишни тавсия этди.

Чили вакиллари Уругвай ҳарбий ҳаво кучларининг 100 йиллиги байрамига расмий ташрифлари чоғида шу ҳақда сўз борди. Норасмий маълумотларга қараганда, агар шундай битим амалга ошса, унинг қиймати 80 миллион доллар атрофида бўлади.

Уругвай мудофаа вазирлиги айни пайтда ҳарбий ҳаво кучларини модернизация қилмоқда. Чили самолётларидан ташқари Россиядан ҳам ЯК-130 русумли ўқув-жанговар самолётларни харид қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Қилмиш-қидирмиш

## ЭГРИ БОЛТА ОЁҚНИ ЧОПАДИ

Инсофини ютиб юборган инсондан бирор мақбул ҳаракат кутиш ноўрин. Чунки, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсаларни тўғри йўлга бошлайман деб, яна бирор жиноятга йўл очиб беришингиз мумкин.

Нуриддин Давлатовга давлат ишонч билдириб, тадбиркорлик билан шуғулланишига, шу орқали аввало бола-чақасининг ризқини теришга, қолаверса, дародмадларидан солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб, давлатимиз тараққиётига ҳисса қўшсин, дея барча имконият эшикларини очиб берганди. Аммо у буни ўзича тушунди назаримизда. Давринг келди сур бегим, деганларидек, қўлига келган давлатни ботмонлаб ютишни бошлади.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, дейди доно халқимиз. Унинг узоқни кўра олмаслиги, "Кўза кундамас, куни келганда синади" деган нақлни унутгани панд берди.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди кўрган ишда Н. Давлатовнинг барча кирдикору жиноятлари очиб ташланди. Маълум бўлишича, у 2005 йилда олмалиқликларга транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида "GAZEL-RAF" масъулияти чекланган жамиятини тузиб, иш бошлаганди. Аввалига бинойидек ишлаб, ризқини териб юрган раҳбарни нима жин урди, қўли эгрилик сари қийшая бошлади. Корхонаси ягона солиқ тўлови тўловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, унинг шарти жамиятда ишлаётганлар 25 кишидан ошмаслиги лозим эди. У эса бунинг айёрона йўлини топди. 2010 йилда Жамол Мамаев, Мамарим Жўраев, Ҳусан Ҳасанбоев, Шаҳобиддин Бозоров, 2011 йилга келиб эса яна Ҳусниддин Нодиров, Собир Бобожонов, Даврон Низомовларни ишчи сифатида рўйхатдан ўтказмай, ишлатиб келди. Барча ҳисоботларда эса корхона ишчилари 25 нафар деб қайд этиларди. Бунинг ортидан кўплаб маблағлар туя кўрдингми, йўқ, дегандек изсиз ғойиб бўларди. Натижада, 2010-2011 йиллар мобайнида давлатга тўланиши лозим бўлган 40 миллион 283 минг сўм маблағ қаердаги сунъий "тўғон"ларда қолиб кетгани Нуриддин Давлатовнинг ўзигагина маълум.

Учар тадбиркор бу билан ҳам кифояланмади. Пул кўпайган сари эҳтиёж ҳам ортиб бораверади, деганлари тўғри шекилли, унинг ҳам нафси ҳаккалак отиб бораверди. Энди у ҳар куни банкка топширилиши лозим бўлган пулларга кўз олайтира бошлади. 2011 йилнинг ўзида жами 40 миллион 283 минг сўм нақд пулни банкдаги ўз ҳисоб рақамига топширмай, "туя" қилди.



Энг ачинарлиси, мансаб ваколатидан фойдаланиб, соҳага алоқадор бўлган ташкилот ва муассасаларнинг кўзига чўп суқмоқчи, уларни шамғалат қилиб, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга киришди. Яъни вилоят ҳокимлиги йўловчи транспортларининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти "GAZEL-RAF" МЧЖга қарашли автомобилларга берган лицензия варақаларини йўқолди, деб департаментга мурожаат қилиб, янгидан лицензия варақаларини олишга киришди. Автомобилларга газ ускунасини ўрнатиб, уларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва унга кетадиган харажатлардан қочиб, йўқолган лицензия варақалари маълумотларини сохталаштирди – гўё илгари бу автомобиллар газ мосламалари билан ишлагандек қилиб чиройли маълумот тайёрлаб, аризасига қўшиб департаментга топширди.

Унинг бундай ҳунарлари ўзининг оёғига болта бўлиб урилди. Бундай ғирромлик билан иш тутаётгани маълум бўлгач, Н. Давлатовнинг пайтавасига қурт тушди. Аммо, энди жуда кеч эди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлар ва ишга алоқадор бошқа далиллар Н. Давлатовнинг кирдикорларини рўй-рост очиб берди. Суд мажлисида Н. Давлатов ўз айбига иқрор бўлиб, қарамоғида икки фарзанди борлигини, қилмишидан қаттиқ пушаймонлигин айтиб, енгиллик берилишини сўради.

Албатта, ҳар бир эзгулик мукофотсиз, жиноят эса жазосиз қолмайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Суд унга нисбатан давлат ҳисобига жарима ундириш ва маълум муддат тадбиркорлик билан шуғулланмаслик ҳамда мансабдор лавозимларда ишламаслик ҳақидаги ҳукмини эълон қилди.

Жиноят очилди, жиноятчи жазоланадиган бўлди. Аммо бизни бошқа нарса ажаблантиради. Наҳотки, давлат тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиб, талай енгилликлар берганига қарамай, айримлар ноқонуний ишларга қўл уришни афзал билсалар. Наҳотки, қонун доирасида иш юритиб, беш сўм эмас тўрт сўм топиб, узоқ йиллар ҳалол меҳнат билан бола-чақа боқиб, шу орқали давлатимиз тараққиётига оз бўлсада ҳисса қўшиш аввало инсонга кўнгил хотиржамлигини ато этмаса, Ватани равнақига қўшаётган ҳиссасидан фахрланмаса? Шундай ҳис-туйғулардан йироқ ватандошларимизни қандай қилиб Ўзбекистон фарзандлари дейишимиз мумкин?

**Ёрмат ҚУЛОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6667. Адади 16 677. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.